

“Андижон миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “MIMAX - ROAD” МЧЖ ўртасида лойҳа-смета ишларини бажариш учун тузилган

ШАРТНОМА № Л-2022-403

Андижон шаҳри.

“12” декабрь 2022 йил.

“Андижон миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг харид комиссиясининг 2022-йил 07-декабр кунги №- 199462-сонли йигилиш баённомасига асосан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Андижон миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “MIMAX - ROAD” МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари С.Закирова иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1.“Буюртмачи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Избоскан тумани Янгиобод МФЙ Ички кўчаларини жорий таъмиrlаш ишлари учун лойиха смета хужжатлари ишларини лойиха-смета хужжатларини ишлаб-чикиш ишларини топширади, “Бажарувчи” бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га бажарилган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблагни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **2 000 000 (Икки миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2.Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштириладиган маблаги аниқлангандан сўнг тегишли Фазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблаг “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси”дан “Буюртмачи”нинг маҳсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% аванс тариқасида келишилган сумма “Бажарувчи”нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.3. Маблагнинг қолган қисми “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси”дан “Буюртмачи”нинг маҳсус ҳисоб ракамига келиб тушганидан сўнг, “Бажарувчи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4.“Бажарувчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар белгиланган муддатда “Буюртмачи”га топширилиши шарт хисобланади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3.2.Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га лойиха-смета хужжатларини топширилишига ўзаро тузилган далолатнома ва ҳисоб-варак асос бўлади.

3.3.“Бажарувчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда лойиха-смета хужжатларини топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради. “Бажарувчи” “Буюртмачи” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари

учун хам жавобгар бўлади. “Буюртмачи” “Бажарувчи” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4.“Бажарувчи” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Бажарувчи” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5.“Бажарувчи” шартномада бўйича ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бажарилган лойиха-смета хужжатларига таянга ҳолда “Пудратчи” зарар кўрса ўз ҳисобидан қайтадан бажаради ҳамда пудратчининг зарарини тўлаб беради.

“Бажарувчи”нинг хукуклари:

3.6.Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равища рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.7. Тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.8. Бажариладиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб китоб қилиш.

“Буюртмачи”нинг хукуклари:

3.9.“Бажарувчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.10.Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.11.“Бажарувчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.12.Агар “Бажарувчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган обьектни “Буюртмачи”га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2.“Бажарувчи” ишларни ўз вактида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га хар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3.Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Бажарувчи” томонидан ўз вактида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш хукуқига эга.

4.4.Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вактида ҳақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5.Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган заарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6.Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2.“Бажарувчи”нинг мазкур шартномани бажариши учун бошка шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, “пудратчи”да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлик муаммолар келиб чиқкан тақдирда “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Конун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иктисадий суди оркали хал этилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 5 (беш) кунни ташкил этади.

7.3. Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Буюртмачи”нинг маҳсус хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусҳаси ҳам ҳуқукий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон минтакавий йулларга
буюртмачи хизмати давлат унитар
корхонаси

Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс:(99874) 227-66-36, 226-88-90
ш/х: 301821860030007045204118095
СТИР:304917491 ОКОНХ: 42110
Уз. Р.Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Фазна х/в 23402000300100001010
Банк номи: МБББ ХККМ МФО:00014
Ғазначилик булинмаси СПИР:201122919

Директор :  Т.Мирзаев



“БАЖАРУВЧИ”

“MIMAX - ROAD” маъсуляти
чекланган жамияти

Андижон шахри Мажжурий кўчаси 27-йй
Телефон: (+99899) 0996888
Х/р: 2020 8000 8009 9958 2001
Асака Банк Андижон вилоят бўлими
МФО: 00069 ИНН: 306 098 110
ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71 110

Рахбари.



С. Закирова

Бош юрисконсульт:



З.Джаборкулов